



TIKLANISH

1995 йил 10 июльда ташкил топилган

www.mf.uz / milliytiklanish2022@mail.ru

tiklanish



ОФИЗБИРЧИЛИК БЎЛМАГАН ЖОЙДАН БАРАКА КЕТАДИ 5

ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ – 3 ЮРТ ВА МИЛЛАТ ҚЎЙҒУСИ

ГАРЧИ МИЛЛИАРДЛАБ МАБЛАҒ АЖРАТИЛСА-ДА, АЙРИМ АДВОКАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИ ЮЗАКИ ХИМОЯ ҚИЛИБ, ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҲАҚШТИРАЁТГАНИ КУЗАТИЛМОҚДА

6 ЎЗБЕКИСТОНДА «ТАБАРРУК ЗИЁРАТ» ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан сайёҳлик соҳасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади.

8 «ОНАЛАР ЁЛҒОН СЎЗЛАЙДИЛАР»

Мен оналар ёлғон гапирмайди, деб ўйлардим. Бироқ онам менга саккиз марта ёлғон гапирганларида хато ўйлаганимни англаб етгандим. Оналар қандай қилиб ёлғон гапиришини билишингиз учун у кишининг ёлғонларини сизга бирма-бир айтиб ўтаман...



Ватан, Байроғинг бир бора ўполганим йўқ, Маҳзингни ёд билмам, уқолганим йўқ, Қўнглимни, меҳримни тўқолганим йўқ, Ва лекин, Ва лекин Ва лекин, аммо, Жонимсан, жонимда, бир оҳсан, Ватан!

Сўнги беш йил ичида Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан товар айланмаси етти баробар, Туркия билан эса икки ярим баробар кўпайган



Озарбайжон, Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги муштарак тарих ва маданият билан чамбарчас боғлиқ. Аини ҳолат уч томонлама стратегик алоқани янада ривожлантиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲАҚШИ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, қадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир. Аинан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиш, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи

бўлиб келмоқда. Аиниқса, сўнги йилларда, дунёда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин рақобат, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар туфайли юзага келган ғоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳонга тараннум қилиш бўйича муҳим натижаларни қўлга киритаётганимиз, бу ютуқлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани, энг асосийси, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириб, уллар ислохотлар самарасини кундалик ҳаётда ҳис қилиб яшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Давоми 2-бетда

«ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН – ТУРКИЯ» МУЛОҚОТИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия» мулоқоти биринчи йиғилишида уч мамлакатнинг ташқи сиёсат, савдо, иқтисодиёт ва транспорт масалалари бўйича масъул вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов ушбу мулоқотнинг таъсис этилиши халқаро муносабат ва глобал иқтисодиётда рўй бераётган жараённи ҳисобга олганда ҳар қачонгидан долзарб эканини қайд этди. Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия давлатлари раҳбарлари ўртасида ўрнатилган мулоқот, юқори даражадаги ишонч ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилига асосланган муносабатни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлаётгани таъкидланди. Минтақавий ва халқаро сиёсат, савдо, иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт соҳаларидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш масаласи бутун анжуман давомида муҳокама марказида турди.

Давоми 5-бетда

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ТАНҚИДИЙ ЧИҚИШЛАРДАН БЕҲАБАРМИДИ?

ЎКИ НЕГА ВИЛОЯТДА «ТҮРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ»НИНГ ЖАМИЯТ
РИВОЖИГА ТҮСИҚ БҮЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ФОШ ЭТИШГА
ДОИР ЗАҲМАТЛИ ФАОЛИЯТИГА БЕФАРҚ ҚАРАЛМОҚДА?

4



ЎЗБЕКИСТОН РОССИЯ ТУРИЗМ ФОРУМИДА ҲАМКОР ДАВЛАТ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ 5

МИЛЛАТ БИРЛИГИ ҲАҚИДА КЎПРОҚ ЎЙЛАЙДИГАН ДАВР БУ

Мана олти ойдики, дунёнинг икки йирик давлати – Россия ва Украина ўртасида юзага келган низо эса одамзод кўника бошлаган тизимнинг ниҳоятда мурт эканини ҳам кўрсатиб қўйди.

7

АҚШДА НОЁБ ДИНОЗАВР СКЕЛЕТИ СОТИЛДИ 8



ОДАМ САВДОСИ – аср муаммоси

2020 йилда Ўзбекистонда одам савдоси билан боғлиқ 93 та иш бўйича 566 та тергов олиб борилиб, жинсий эксплуатация бўйича 51 та, болалар эксплуатацияси бўйича 39 та ва мажбурий меҳнат бўйича 3 та жиноий иш кўзгатирилган.

7



АЖРИМ – МУАММОНИНГ ЎЧИМИ ЭМАС 7

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИҚДА 87 ТРЛН. СЎМ КРЕДИТ 5

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустақамлаб, туб ислоҳот жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр, шаъни ва ғурурини етакчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифамизга айланган ҳозирги вақтда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг худудий ялтилиги ва бўлинмаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган беқиёс кучга айланган бормоқда.

Буюк истиқлолимизнинг халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва моҳиятини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кўтиб олиш ва ушбу кўтулган санани юксак даражада нишонлаш мақсадида:

1. Куйидагилар: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғояни ўзида муҳасамма этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А.Арипов): Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Мустақиллик байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кенг нишонлиниши таъминласин;

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

Фракция

ЭЪТИРОЗЛАР ЎРИНЛИ. ЧУНКИ...

- ✓ 66 миллиарддан коррупциянинг иси келяпти
- ✓ «Пробация»нинг таржимаси – гурурсизлар
- ✓ Эй одамлар, маҳкум ҳам одам
- ✓ Молия вазири сурдо таржимон учун пул бермайди



Бир қарашда қарийб уч соат давом этган йиғилишда унчалар муҳим қонунлар муҳокама қилинмагандек. Аммо депутатларга тақдим этилган қонун лойиҳалари моҳиятига эътибор қаратилса, уларда шу пайтгача диққатимиздан четда қолиб келаётган қатлам вакиллари манфаати, ҳануз одамлар кўзидан йироқда – сояларда илди оётган коррупция иллатини йўқ қилиш мақсади муҳасаммалиги яққол кўринади.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши ҳам қизгин ўтди. Унда дастлаб «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қонун ташаббускорларининг қайд этишларича, Конституцияга асосан ҳар бир фуқаро ҳимояланиши, профессионал юридик ёрдам олишга ҳақли. Аммо амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар фақат жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам олишлари мумкин экан. Маъмурий ва фуқаролик ишларида эса бундай ёрдам кўрсатилмайди. Бу эса ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у асосида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш чегараси кенгайтириляпти. Яъни, фуқароларнинг маъмурий ва фуқаролик ишларида ҳам юридик ёрдам олишларига имкон яратилляпти.

Шу ўринда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишда шаффоф механизм яратилмагани ҳам соҳада коррупциянинг, «чўнтак адвокатлари»нинг кўпайишига сабаб бўлаётганига фракция аъзолари алоҳида эътибор қаратдилар. Қайд этилишича, биргина Тошкент шаҳрига 2021 йили жиноят ишларида бепул адвокатлик хизмати кўрсатиш учун давлат бюджетидан 66 млрд. сўм ажратилган. Бу маблағ асосан 154 та адвокатлик тузилмаларига тўла берилган. Холбуки, пойтахтимизда 1019 та адвокатлик тузилмаси фаолият олиб борапти. Агар ушбу қонун лойиҳаси маъқулланса, ад-

вокатларни танлаш электрон тарзда, яъни инсон омилсиз амалга ошириладиган бўлади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштирувчи ягона орган йўлиги ҳам бюджет маблағларининг самарасиз ишлатилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2019 йилда юридик ёрдам кўрсатганлик учун 14,2 млрд. сўм, 2020 йилда 18,2, 2021 йилда эса 79,4 млрд. сўм маблағ ажратилган. Эндилликда Адлия вазирлиги бу борада ваколатли орган сифатида белгиланмоқда. Шу ўринда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Тараққиёт дастури ташкилоти ва USAID агентлиги томонидан ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи қонунни қабул қилиш тавсия этилганини таъкидлаш жоиз.

Фракция аъзоси Жаҳонгир Абдурасулов қонун лойиҳаси халқимиз учун жуда зарур эканини таъкидлаб, қонун ташаббускорларидан Тошкентда адвокатлар учун сарфланган 66 млрд. сўмнинг қанчаси ўзини оқлагани, оқламагани ҳақидаги аниқ маълумотларни тақдим этишни сўраган бўлса, Даврон Арипов ушбу қонунни қабул қилиш билан нечта қонунга ўзгартириш киритилиши ҳақидаги маълумот билан қизиқди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ҳам қонун лойиҳасига муносабат билдириб, инсонпарварлик нуқтаи назардан адвокатлар иш самарадорлигини назорат қилиш ҳуқуқини вақтинча бўлса ҳам Адлия вазирлигига беришни таклиф қилиб, қуйидагиларни таъкидлади: – Ҳар йили адвокатлик хизмати учун бюджетдан милли-

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
муҳбири

ЖАРАЁН



VLADIMIR NOROV

«ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН – ТУРКИЯ» МУЛОҚОТИНИНГ БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ

Сўнги беш йил ичида Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан товар айланмаси етти баробар, Туркия билан эса икки ярим баробар кўпайган. Ушбу ижобий аънаана изчил давом этишига ишонч билдирилди.

– Озарбайжон ва Туркия билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича эришилган кўрсаткич ҳали мавжуд салоҳиятга мос эмас, – деди В.Норов. – Бинобарин, ўзаро манфаатли шериклик имкониятидан тўлиқ фойдаланиш учун барча шароит муҳайё.

«Боку – Тбилиси – Карс» темир йўли транзит салоҳиятидан фойдаланиш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга экани ақидил маъқуллади.

Қайд этилгандек яқиндагина пойтахтимизда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференцияда «Толибон» ҳаракати вакиллари «Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўлини қуриш Афғонистоннинг барқарорлигини таъминлашга ёрдам беришини эътироф этди.

– Мазкур лойиҳа амалга ошса, Марказий Осиё

орқали бир неча йирик минтақа ўртасида юк ташиниш муддати ва нарх сезиларли даражада камаяди, – дея сўзини давом эттирди республикамиз ташқи сиёсат идораси етакчиси. – Мамлакатларимиз учун умумий аҳолиси қарийб 1,9 миллиард, ялпи ички маҳсулоти 3,5 триллион доллар бўлган Жанубий Осиё бозорига тўғридан-тўғри кириб бориш имкони пайдо бўлади.

Йиғилишда Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов Озарбайжон томони умумий қараш ва ўзаро хурматга асосланган бундай минтақавий платформани қўллаб-қувватлашни фаол илғари суришини билдирди.

– Озарбайжон, Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги муштарак тарих ва маданият билан чамбарчас боғлиқ, – деди Ж.Байрамов. – Айни ҳолат уч томонлама стратегик алоқани янада ривожлантиради.

Бу жараёнда ёшларимизни умумий тарихий мерос билан таништириш, қолаверса, Тошкент, Боку

ва Анкара ўртасидаги маданий-гуманитар алоқани мустақкамлаш учун туркум саёхат дастурларини ишлаб чиқиш ва тезроқ амалга ошириш зарур.

Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли, ўз навбатида, Осиё ва Европа улкан савдо-сотик майдони эканига эътибор қаратиб, давлатларимиз ушбу тижорат оқими марказида туриши кераклигини таъкидлади.

– Урта йўлак ва Каспий денгизи орқали ўтадиган транзит йўллари иқтисодий самарадорлиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради, – деди қардош Туркия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари. – Қадимий ва жууда муҳим савдо чизиги – Ипак йўлининг қайта тикланиши туркий дунёни янада жипсаштиради.

Учрашувда турли йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклиф, ташаббуслар ишлаб чиқилди.

Йиғилиш якунида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири

ОФИЗБИРЧИЛИК БЎЛМАГАН ЖОЙДАН БАРАКА КЕТАДИ

Қорақалпоқ халқи ўз тарихида жуда кўп қийинчиликлар ва оғир кунларни бошидан ўтказган ва, энг муҳими, уларнинг барчасини сабр-тоқат ва метин ирода билан енгиб бугунги дориломон кунларга етиб келган. Аммо бугунги кунда ҳам бутун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, минтақавий зиддият ва таҳликали вазиятлар сабабли ҳар биримиз янада ҳушёр бўлишимиз зарурлигини, жонажон юртимиз ва халқимиз тинчлиги ҳар нарсадан қиммат эканини англаб етаяпмиз.



Тажибай РОМАНОВ,
партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси,
Жўқорғи Кенгес депутати

Айниқса, 1-2 июль кунлари Нукусда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалар барчамизни сергакликка қақриб, оғоҳлик кўнғирогини чалди, десам хато бўлмайди. Назаримда барчамиз тинчликнинг энг олий неъмат эканини билемиз деб ўйлардим. Лекин ўша воқеадан сўнг тинчликнинг қадрини юрак-юракдан ҳис қила бошладим. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб» деганларидек, бугунги кунда ана шу неъматни асраб-авайлаш ҳаётий зарурат эканлигини чуқурроқ ҳис этяпмиз.

Бугун Нукусда аввалгидек тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Барча соҳа ва тизимлар фаолияти изига тушган, одамлар кундалик ҳаёт тарзига қайтиб, ўз ҳаётий ташвишлари билан яшамоқдалар. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз томонидан факуллода ҳолат муддати белгиланганидан анча олдин тўхтатилди.

Нукус воқеалари, хато қилган ўғилларимиз, ҳис туйғуга берилиб, кимларнингдир ортидан эргашган жигарларимиз ҳолатини қайта-қайта таҳлил этиб, сўнги йилларда Қорақалпоғистонда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, муҳим ислохотлар моҳиятини англагандек бўлдим. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бошқа минтақаларимизга нисбатан Қорақалпоғистонга алоҳида эътибор қаратилганлиги, ана шундай эътибор туфайли Нукус шаҳридан тортиб чекка туманлар, хатто энг олис овулгарча ҳаёт ўзгараётгани, булар оролбўйи аҳолисига бўлган меҳр эканини тушуна бошладим. Бунда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, бу дастурлар республикани асрлар давомидаги оддий аграр ўлкадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, транспорт-коммуникация тармоқлари, юксак малакали кадрларга эга бўлган қудратли минтақага айлантиришни назарда тутаяпти.

Дастурларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қорақалпоқ замини йилдан-йилга чирой очиб, барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Хуллас, бугун Қорақалпоғистонда яна тинч ва ҳақиқий ҳаёт ўз измига қайтиб, корxonалар, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари, коммуникация тармоқларида ижобий ўзгаришлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси, энг аввало, бирмунча оғир табиий шароитларда яшаётган қорақалпоқ халқи учун, худудни ҳар томонлама тараққий эттириш мақсадида қилинмоқда. Бугунги ислохотлар бардавом бўлиши учун эса, албатта, юртимизда тинчлик ва яна тинчлик, кўни-қўшничилик, биродарлик ришталари маҳкамроқ боғлишини керак. Зеро, оғизбирчилик бўлмаган жойда барака ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди. Бугун ана шу ҳақиқатни барчамиз бирдек англаяпмиз.

Шунинг учун ҳам барча юртдошларимиз Президентимиз аτροφидида бирилашиб, улар олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларини билдирмоқдалар. Зеро, эндиликда бор билимимиз, имкониятимизни ишга солиб, умумий уйимиз – Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликнинг бардавом бўлишига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз!

Тадбир

ЎЗБЕКИСТОН РОССИЯ ТУРИЗМ ФОРУМИДА ҲАМКОР ДАВЛАТ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

4-7 август кунлари Москвадаги Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси – «ВДНХ» саноат майдонида бўлиб ўтадиган «Саёҳат қил!» («Путешествуй!») туризм форумида ҳамкор давлат сифатида Ўзбекистон ҳам иштирок этади.

«Росконгресс» жамғармаси томонидан Туризм федерал агентлиги ва «ВДНХ» ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур тадбир Рус география жамияти ва Россия туроператорлари ассоциацияси кўмагида ўтказилаяпти.

Маълумотга кўра, 2022 йил март ойида туристлар оқимини биргалликда тезлаштириш бўйича ҳаракат режаси имзоланган. Хусусан, Россия ва Ўзбекистонда Туризм йилини ўтказиш, «Буёк ипак йўли» сайёҳлик йўналишини ривожлантириш ва бошқа кўпплаб тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

– Ҳамкор давлат сифатида Ўзбекистон танлангани форум ташкилотчилари учун айнаи муддао, – деди

Росконгресс жамғармаси директори ўринбосари Владимир Затинайко. – Бой тарихга, кўпплаб қадимий меъморий обидаларга эга бу мамлакат сўнги йилларда халқаро туризм маданий меросини янада ривожлантириш бўйича таълим олиш имконияти ҳақида сўз юритади. 2-стенд 55-айвонга туташ жойлашади.

Бу ерда Ўзбекистон делегацияси томонидан

«O'zsharobsanoat» АЖ вакиллари иборат делегация туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ва хунармандлар билан бирга иккита – бизнес-стенд ҳамда мамлакатимиз туризм салоҳияти ва маданиятига бағишланган алоҳида стенд тақдим этади.

55-айвонда жойлашадиган бизнес-стендда юртимизнинг янги манзиллари ва сайёҳлик йўналишлари намойиш этилади. Шунингдек, «Ипак йўли» халқаро туризм ва маданий мерос университети вакиллари мазкур ўқув юртида таълим олиш имконияти ҳақида сўз юритади. 2-стенд 55-айвонга туташ жойлашади.

Бу ерда Ўзбекистон делегацияси томонидан

хунармандлар ишлари, Ўзбек миллий таомлари, сайёҳликнинг турли кўринишлари ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган шароблар дегустацияси (табиб кўриш маросими) ва хунармандлик буюмлари тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ташкил этилади.

Анжуман доирасида Россия Федерацияси давлат ташкилотлари вакиллари билан музокара ўтказиш, Россия туризм саноати субъектлари билан B2B форматида учрашув ташкил этиш, ялпи муҳокама ва конференцияда иштирок этиш ҳам режалаштирилган.



ЎЗА

Иқтисодиёт

Биринчи ярим йилликда 87 трлн. сўм кредит

Марказий банк томонидан «2022 йил I ярим йиллик якуни бўйича банкларнинг молиявий ҳолати шарҳи» тақдим этилди.

Унда қайд этилишича, мамлакатимиздаги банклар томонидан 2022 йилнинг январь-июнь ойлари давомида 87 трлн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилган. Бу кўрсаткич, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 фоиз ортиқ.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, жорий январь-июнь ойларида банклар томонидан ўртача ойлик ажратилган кредитлар 14,5 трлн. сўмни ташкил этган. Ушбу кредитларнинг 70 фоизи, яъни 61 трлн. сўм корпоратив ва 30 фоизи, яъни 26 трлн. сўм чакана кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг

узлуксизлигини таъминлаш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун 18 трлн. сўмлик револьвер кредитлар берилган.

Банкларнинг жами кредит портфели жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 344 трлн. сўмни, уларнинг 77 фоизини корпоратив кредитлар, 23 фоизини чакана кредитлар ташкил этади. Жами кредит портфели қолдиғи жорий йил бошига нисбатан 5

фоизга ёки 17 трлн. сўмга (йиллик ўсиш 14 фоиз) ошган.

Корпоратив кредитлар 2 фоизга, чакана кредитлар эса 16 фоизга (11 трлн сўм) ўсган.

Чакана кредитлар ўсиши микроқарзлар қолдиғи 5,7 трлн. сўм (жами ўсишнинг 52 фоизи), ипотека кредитлари 4,7 трлн. сўмга (43 фоиз), таълим кредитлари 436 млрд. сўмга (4 фоиз), автокредитлар 422 млрд.

сўмга (4 фоиз) ўсиши ва бошқа истеъмол кредитлар қолдиғи 943 млрд. сўмга камайганлиги билан изоҳланади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра тижорат банклари кредит портфелининг 82,9 фоизи «стандарт», 12,2 фоизи «субстандарт» кредитлар сифатида таснифланган.

Шаҳноза МАМАТУРОВА

